

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАМУХАМЕДОВ БОХОДИР БАХРАМОВИЧ**

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР  
САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in  
economic sciences**

<b>Исамухамедов Боходир Бахрамович</b> Тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш.....	3
<b>Исамухамедов Боходир Бахрамович</b> Управление использования потенциала кадров экономистов в текстильной промышленности.....	23
<b>Isamukhamedov Bokhodir Bakhramovich</b> Management of using the potential of economists in textile industry.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМий КЕНГАШ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСАМУХАМЕДОВ БОХОДИР БАХРАМОВИЧ**

**ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИДА ИҚТИСОДЧИ КАДРЛАР  
САЛОҲИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ БОШҚАРИШ**

**08.00.13 – Менежмент**

**08.00.05 – Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Iqt171 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz)да жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Холмўминов Шойизоқ Раҳматович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Раҳимова Дилфуза Нигматовна</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор <b>Тухлиев Искандар Суюнович</b> иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тошкент молия институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-01-49; факс (99871)239-41-23; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871)239-28-72; факс (99871)239-41-23; e-mail: [tdiu@tsue.uz](mailto:tdiu@tsue.uz)).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.П. Эшов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Д.М. Мавлянова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.ф.д.

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ(Фалсафа доктори диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш шуни кўрсатадики, иқтисодий ўсишга эришишнинг ҳал қилувчи шарти – бу меҳнат унумдорлигини оширишдир. Тўқимачилик саноатида иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш ишлаб чиқаришга ихтисослашган тегишли соҳалар ва тармоқларда меҳнат унумдорлигини ошириш, иқтисодий хизматларини ташкил этиш ва ривожлантиришга имкон беради. Иқтисодий барқарорликни белгилайдиган барча йўналишларда иқтисодчилар салоҳияти муҳим ўрин тутди. Иқтисодчилар таҳлилига кўра, «дунёда узоқ муддатли маҳсулотларнинг улуши, истеъмол харажатлари пандемия даврида икки йиллик ўртача 10,5 фоизга нисбатан 2020 йил учинчи чорагида 12 фоизга ошди. Бундан ташқари пандемия даврида дунёда тўқимачилик саноати ҳам 10 фоизга ошган»<sup>1</sup>. Ушбу тенденция мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши ва иқтисодчиларнинг самарали фаолиятига боғлиқ. Бундай ёндашув натижасида айти пайтда пандемиядан сўнг иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижобий молиявий натижаларга эришилмоқда.

Жаҳоннинг нуфузли молиявий ва илмий, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқтисодий ва ижтимоий Кенгаши, Жаҳон савдо ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти сингари халқаро тузилмалар томонидан ҳозирги кунда иқтисодий инқироздан чиқиш ва самарали иқтисодий ислоҳотлар олиб боришда иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланишнинг оптимал йўллари излаб топмоқда. Ушбу муаммоларни ечиш мақсадида устувор йўналишларда илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш бўйича бир қатор муаммоларнинг илмий ечимини топишда мақсадли тадқиқотлар ташкил қилинган. Жумладан, асосий иқтисодчи кадрлар буюртмачилари билан ўзаро ҳамкорликда иқтисодий илмий тадқиқотлардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Иш жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий иқтисодий хизматларни ривожлантириш, нуфузли хорижий таълим муассасаларида иқтисодчилар малакасини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижда яшаётган ва профессионал фаолият юритаётган ватандошларимиз, айниқса, катта илмий салоҳиятга эга олимлар, мутахассислар ва истеъдодли ёшлар билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Янги Ўзбекистонни ҳар томонлама жадал ривожланиши учун зарур, жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош ва юқори малакали мутахассисларни етакчи хорижий олий таълим муассасалар ва Ўзбекистонда тайёрлаш, уларни малакасини ошириш орқали кадрлар билан таъминлашда аниқ мақсадлар белгилангани

---

<sup>1</sup> International Monetary Fund. World Economic Outlook: Managing Divergent Recoveries. Washington, DC, April 2021.

муҳим аҳамият касб этади<sup>2</sup>. Бу борада иқтисодчи кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш, илмий муассасаларда илмий-тадқиқот ишлари ҳамда корхона ва ташкилотларда натижадорликни ошириш юзасидан илмий-тадқиқотларни кенгайтириш зарурлиги давр талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сонли «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2021 йил 02 февралдаги ПФ-6155-сон «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида», 2021 йил 11 февралдаги ПФ-6168-сон «Давлат хизматчилари ва мутахассисларни хорижда тайёрлаш ҳамда уларнинг салоҳиятини янада ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг I.«Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Реал секторда, шу жумладан тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш муаммолари хорижий олимлардан Ж.Голд, Р.Холден, Ж.Стевард, П.Илес, Ж.Биардвел, С.Гиб, Н.Вилтон, Д.Коллингс, К.Меллахи, В.Кассио<sup>3</sup> ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари, хусусан, Н.Л.Зайцев, И.И.Иванов, Т.В.Карпей, Л.И.Сергеев, И.В.Андреева, О.В.Видякина, С.А.Дятлов, Е.М.Дмитриева, Н.А.Каморджанова, Е.Е.Семченко, Т.Н.Сыроваткина<sup>4</sup> ва бошқаларнинг асарларида кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш масалалари ўрганилган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 сентябрь ПФ-5545-сонли «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги фармони.

<sup>3</sup> Gold J., Holden R., Stewart J., Iles P., Beardwell J. Human resource development: theory and practice. 2<sup>nd</sup> edition/ published by The Palgrave Macmillan in 2013, p. 437; Gibb S. Human resource development: foundations, process, contexts. 3<sup>rd</sup> edition/ published by Red globe press in 2011, p. 435; Wilton N. An introduction to Human resource management. 3<sup>rd</sup> edition/ published by Sage publication Ltd. in 2016, p. 493; Collings D., Mellahi K., Cascio W. The Oxford handbook of Talent management/ published by Oxford University press in 2017, p. 579.

<sup>4</sup> Зайцев Н.Л. Экономика промышленного предприятия. Учебник. Высшее образование. ИНФРА-М, 2008 г. 414 – с.; Иванов И.И. Экономика промышленного предприятия. Учебник.-М.: Инфра-М. 2019 г. 395 с.;

Ўзбекистон тараққиётида иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш масалалари С.С.Гулямов, А.Ш.Бекмуродов, Н.Қ.Йўлдошев, М.Р.Болтабоев, Г.Э.Захидов, Н.М.Мўминова, И.А.Тошпўлатов, А.А.Султонов, Б.Б.Муллабоев, З.А.Хамидов, Х.Т.Қодиров, З.Я.Худойбердиев, М.Р.Худойкулов, У.А.Шодмонова, С.Ш.Юсупов, Н.А.Юлдашева<sup>5</sup> ва бошқа олимлар тадқиқотларида ўз аксини топган.

Бироқ, мазкур йўналишда амалга оширилган илмий тадқиқот ишларининг кўламига қарамасдан тўқимачилик саноатида иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда инсон ресурсларини бошқариш

---

Карпей Т.В. Экономика, организация и планирование промышленного производства. Экономика предприятия. Издательство: Минск Формат: PDF Качество: OCR 2004 г. С – 328.; Сергеев Л.И. Цифровая экономика: Учебник. Москва: Издательство Юрайт, 2020. 332 с.; Андреева И.В. Экономическое образование в России: динамика социальных функций. - СПб.: Изд-во СПбУЭФ, 2009. - 177 с.; Видякина О.В., Дмитриева Е.М. Система подготовки кадров для инновационной экономики России. Монография. – М.: Проспект, 2014. – 114 с.; Дятлов С.А. Информационно-сетевая экономика: структура, динамика, регулирование. - Санкт-Петербург: Астерион, 2008. – 413 с.; Дятлов С.А. Экономика образования в условиях переходного периода: монография. - Санкт-Петербург: СПбУЭФ, 1995. - 160 с.; Каморджанова Н.А. XXI век: современные технологии подготовки экономических кадров. Монография. – М.: Проспект, 2019. – 361 с.; Семченко Е.Е., Ашурбеков Р.А., Круглинский И.К. Оценка интеллектуального труда в системе подготовки кадров: проблемы классической теории и методологии. Монография. - М.: Проспект, 2017. – 183 с.; Сыроваткина Т.Н. Основы экономики образования. Учебное пособие. – Оренбург, 2013. – 443 с.

<sup>5</sup> Гулямов С.С., Романов А.Н., Алимов Р.К., Торопцов В.С., Ходиев Б.Ю., Алимов К.А., Бегалов Б.А., Григорович Д.Б. Дистанционное экономическое образование. – Т.: Шарк, 2004. – 432 с.; Бекмуродов А.Ш., Имамов Х.М. Международная практика подготовки кадров в области бизнеса: сравнительный анализ учебных планов специальности «Международной бизнес» в Узбекистане и Германии. – Т.: ТГЭУ, 2004. – 35 с.; Йўлдошев Н.Қ. Менеджментнинг тадқиқот усуллари. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2020. - 165 б.; Бекмуродов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. Монография - Ташкент. ТГЭУ. 2006. 112с.; Болтабоев М.Р. Ўзбекистон Республикаси тўқимачилик саноати экспорт имкониятларини ривожлантиришда маркетинг стратегияси: докторлик диссертацияси. – Т.: ТДИУ. 2005. – 245 б.; Захидов Г.Э. Ўзбекистон энгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги. Докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ. 2016. – 31 б.; Мўминова Н.М. Тўқимачилик маҳсулотлари савдосида талабни шакллантириш ва сотишни рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТТЕСИ. 2017. – 52 б.; Тошпўлатов И.А. Тўқимачилик корхоналарининг рақобатбардошлигини бошқариш тизимини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Фарғона политехника институти. 2019. – 56 б.; Султонов А.А. Тўқимачилик саноати корхоналарида ишлаб чиқаришни диверсификациялашни бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ. 2017. – 53 б.; Муллабоев Б.Б. Вертикал интеграциялашган саноат корхоналарини бошқариш самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ. 2020. – 53 б.; Хамидов З.А. Энгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини маркетинг стратегиялари асосида ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТДИУ. 2017. – 26 б.; Қодиров Х.Т. Тикув кийимлари ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш омиллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Наманган муҳандслик-технология институти. 2020. – 27 б.; Худойбердиев З.Я. Развитие системы подготовки кадров для сферы предпринимательства (на примере малого и среднего бизнеса): Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Ташкент, 2002. – 44 с.; Худойкулов М.Р. Тўқимачилик тармоғи акциядорлик жамиятларида бошқариш механизми самарадорлигини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ТТЕСИ. 2018. – 48 б.; Шодмонова У.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида энгил саноатининг барқарор ривожланиш хусусиятлари: иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. Ижтимоий-иқтисодий тадқиқотлар маркази. -Т.: 2006.-149 б.; Юсупов С.Ш. Кучли рақобат шароитида Ўзбекистон тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш стратегиялари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Т. 2018. – 144 б. Юлдашева Н.А. Тўқимачилик корхоналарида инкирозга қарши бошқарувни такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: Фарғона политехника институти. 2020. – 52 б.

тизимини қўллаш, рақамли технологияларни жорий этиш, уларни малакасини ошириш зарурати ва иқтисодчи кадрларга талаб истиқболини прогнозлаш жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилмаган. Бу эса, тўқимачилик саноатида иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришни чуқурроқ тадқиқ этишни тақозо этади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-103-сонли «Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитларида инсон салоҳиятини ривожлантириш» (2012 – 2016 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришнинг аҳамияти ва объектив заруриятини ёритиш;

тўқимачилик саноатини бошқаришнинг замонавий технологиялари ва уларга иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг таъсирини ёритиш;

тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий шакллари очиқ бериш;

тўқимачилик саноатига иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ва ишга жойлаштириш ҳолатини ёритиш;

тўқимачилик корхоналари бошқарувида иқтисодчи кадрларнинг ўрни ва таъсирини тадқиқ қилиш;

иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда рақамли иқтисодиёт технологияларини янада самарали қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

тўқимачилик корхоналарида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг истиқболли прогнозини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналарида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш жараёни олинган.

**Тадқиқот предметини** иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш жараёнида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, тизимли ёндашув, расмий-манتيкий, операцияларни тадқиқ этиш, бошқарув масалаларини ечиш, сабаб-оқибат боғланишларни аниқлаш усулларидан фойдаланилган.



**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда инсон ресурсларини бошқариш тизими (HRM) ишлаб чиқилган;

иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда рақамли иқтисодиётнинг HRMS ва сунъий интеллект технологияларини кенг қўллаш ҳамда улар орқали кадрларни баҳолаш таклиф этилган;

масофавий таълим технологиялари асосида иқтисодчилар малакасини оширишнинг электрон таълим (virtual reality) инновацион стратегияси таклиф этилган;

иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг 2030 йилгача математик прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик корхоналарини самарали бошқариш ва ривожлантиришда иқтисодчи кадрларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштиришнинг тармоққа хос хусусиятлари ёритилган йўл харитаси ишлаб чиқилган;

тўқимачилик корхоналарида иқтисодчи кадрлар касбий тайёргарлиги муайян иш ўринларининг малакавий мураккаблигига мос келишини баҳолашни ўз ичига олиб, иқтисодчи кадрларни тайёрлаш тузилмасини такомиллаштириш йўналишлари ишлаб чиқилган;

аҳоли, бозор ва жамият эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ҳудудлар кесимида таълим йўналишлари бўйича иқтисодчи кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш услуби ишлаб чиқилган;

иқтисодий олий таълим муассасалари барча фаолиятини ахборотлаштириш, ўқув жараёнини ташкил қилишнинг самарали усуллари ва ўқитишнинг замонавий техник воситаларини қўллашга асосланган инновацион технологиялар ишлаб чиқиш, жорий қилиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланган ёндашув, усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, монографик таҳлиллар ва статистик маълумотлар базасининг расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган социологик сўровноманинг анкета ва эксперт сўров шаклларига асослангани, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрларга бўлган талабни аниқлаш, уларни баҳолаш мезонлари, бошқаришнинг замонавий тенденциялари, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва иқтисодчилар салоҳиятидан фойдаланиш ўртасида боғлиқликни ифодаловчи моделлар, иқтисодчи кадрларни нуфузли хорижий таълим муассасаларида ўқитиш орқали малакаларини ошириш дастурларини ишлаб чиқишга яқиндан ёрдам бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналарида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш, иқтисодчи кадрлар салоҳиятини баҳолаш мезонлари, уларни замонавий тенденцияларга мос равишда тайёрлашни ўз ичига олади. Шу билан бирга, давлат дастурларини ишлаб чиқишда муҳим методологик манба сифатида хизмат қилиш, тадқиқот натижаларидан «Менежмент», «Инсон ресурсларини бошқариш», «Стратегик менежмент» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқариш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда инсон ресурсларини бошқариш тизими HRM бўйича берилган таклифлар «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналари фаолиятига жорий этилган («O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 10 июндаги 03/12-1832 – сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналарида бошқарув харажатларини 2-5 фоизга қисқартиришга эришилган;

иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришда рақамли иқтисодиётнинг HRMS ва сунъий интеллект технологияларини қўллаш ҳамда улар орқали кадрларни баҳолаш бўйича берилган таклифлар «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналари фаолиятига жорий этилган («O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 10 июндаги 03/12-1832 – сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши, корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини 8-10 фоизга камайтириш имконини берган;

тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрларни масофавий таълим технологиялари асосида малакасини оширишнинг электрон таълим (virtual reality) инновацион стратегияси таклифи «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналари фаолиятига жорий этилган («O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 10 июндаги 03/12-1832 – сон маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликни амалиётга жорий этилиши натижасида «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналарида бошқарув харажатлари 15 фоизга камайган.

иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни 2030 йилгача прогноз кўрсаткичлари «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналари фаолиятига жорий этилган («O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмасининг 2021 йил 10 июндаги 03/12-1832 – сон маълумотномаси). Мазкур прогноз кўрсаткичларидан тўқимачилик корхоналарида 2030 йилгача бўлган кадрлар сонини аниқлашда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, шу жумладан, ОАК томонидан эътироф этилган республика журналларда 7 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция тўпламларида 7 та маъруза тезислари нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришни назарий ва услубий асослари**» деб номланиб, унда тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришнинг аҳамияти, Ўзбекистонда тўқимачилик саноатини бошқариш истикболлари ва унга иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг таъсири, тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий шакллари тадқиқ этилган.

Жаҳондаги глобаллашув шароитида саноат корхоналари иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратишда муҳим ўрин тутди. Фикримизча, инсоннинг ҳар қандай мақсадга мувофиқ фаолияти самарадорлик муаммоси билан боғлиқдир. Шундай экан, самарадорлик, бошқарув тежамкорлиги билан белгиланади ва фойдаланилган ишлаб чиқариш ресурсининг (омилининг) ҳар қандай бирлигидан олинган натижалар билан ўлчанади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг тўқимачилик ва тикув - трикотаж саноати етакчи ва жадал ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади.

Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатининг Ўзбекистон макроиқтисодий комплексидаги ролини қуйидаги маълумотлар билан баҳолаш мумкин: бугунги кунда республиканинг ишлаб чиқариш саноатида ишлайдиган барча ишчиларнинг қарийб 28 фоизи и ушбу соҳага йўналтирилган, унинг улуши 2020 йил якунлари бўйича қайта ишлаш саноатининг маҳсулотлари 15,2 фоиздан ортиқни, истеъмол қилинадиган ноозиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмида эса 30 фоиздан ошган.

Шундай экан, энг кўп талаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича йўналишларни кенгайтириш билан тўқимачилик саноати учун кадрларни

тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш лозим. Соҳани ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, таълим муассасаларининг ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш, илмий-тадқиқот фаолиятини фаоллаштириш, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муҳимдир.

Маълумки, Ўзбекистонда аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш масаласи долзарбдир. Йилдан йилга ўсишга қарамай, иқтисодиёт ҳали тез ўсиб бораётган аҳолининг керакли миқдордаги иш жойларига бўлган талабларини қондира олмайди. Тўқимачилик ва тикувчилик саноати, кўп меҳнат талаб қиладиган саноат сифатида, кўплаб иш ўринлари яратиш қобилиятига эга.

2017-2020 йиллар давомида тармоқларнинг ривожланиши иш ўринларининг уч баробардан кўпроқ ўсишига олиб келди: 2016 йилдаги 100,5 тадан 2020 йилда 315 мингтага. 2020 йилда иш ўринларининг 2016 йилга нисбатан энг катта ўсиши трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 3,3 барабар ошганлиги қайд этилди. 2020 йилда тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш улуши, яъни тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш соҳада банд бўлганларнинг 70 фоизини ташкил этган бўлса, 2016 йилда бу кўрсаткич 61 фоизни ташкил этган.

«Инсон ресурсларини бошқариш» атамаси XX асрнинг 80-йилларида пайдо бўлди, бу эса ходимларни бошқаришга янги талабларни қўйди. Корхонанинг бошқарув амалиётидаги ўзгаришлар, бизнесни эскича бошқариш муҳитининг йўқотилмагани, стратегик бошқарувни амалда қўллаш кабилар натижасида ходимларни бошқаришнинг анъанавий механизмлари замон талабларига жавоб бера олмади. Олиб борилган самарали тадқиқотларда қаттиқ қўллик бошқаруви ўрнига менежер – ходим ўртасидаги муносабатлар яхшиланди, корхоналарнинг мақсадларга эришишда ходимларнинг иштироки ошди. Бинобарин 80-йилларда менежментга бошқа кўз билан қараш бошланди, яни корхоналарда ходимларнинг аҳамияти оша бошлади. Бизнес раҳбарлари ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳал қилувчи омили корхонада ишлаётган ходимлар эканлигини англай бошладилар. Анъанавий кадрлар бўлими – инсон ресурсларини бошқариш (HRM) атамаси билан алмаштирила бошланди, бунда нафақат уларнинг номи балки ходимларни бошқариш тизими ҳам ўзгара бошлади. Кадрларни узоқ муддатли режалаштириш, ходимларни ривожлантириш дастурлари, карьерани режалаштириш, ходимларни бошқарувга жалб қилиш каби фаолият турлари пайдо бўлган.

HR ёндашувлари узоқ муддатли инсон ресурсларини бошқариш стратегиясини яратиш ва уни компаниянинг умумий стратегиясига интеграциялаш зарурлигини кўрсатган. Шу билан бирга, бизнес юритиш концепциясининг ўзгариши ва умумий стратегиянинг ўзгариши билан HR стратегияси ҳам ўзгариши керак бўлган.

HR бошқариш ҳам, ходимларни бошқариш каби, одамлар билан ишлаш билан тавсифланади. Агар ходимларни бошқариш ва инсон ресурсларини бошқариш тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапирадиган бўлсак, унда кўплаб муаллифлар бу тушунчалар орасидаги фарқлар инқилобий эмаслигини тасдиқлаб берганлар. Инсон ресурсларини бошқариш бизнесга киришнинг замонавий талабларига жавоб берадиган ходимларни бошқаришни такомиллаштирилгани сифатида айтилган. Ушбу икки тушунчанинг муҳим фарқловчи хусусияти кўплаб муаллифлар инсон ресурсларини бошқаришнинг стратегик хусусиятини таъкидлаганлар.

Инсон ресурсларини бошқариш, биринчи навбатда, ходимларни бошқаришга стратегик ёндашувдир. Маълумки, корхонанинг асосий ва айланма фондлари, жумладан, капитал, технология, хом ашё ишлаб чиқариш жараёнида эскиради. Аксинча, одамлар, инсон капитали, пировардида, олинган билим ва кўникмалар натижасида янада самарали ишлайди.



1- расм. «O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси учун HR тизимининг таркибий қисмлари<sup>6</sup>

HR хизматларининг иши бошқарувнинг барча даражалари билан боғлиқ бўлиб, улар ишга қабул қилиш, кўчириш, ишдан бўшатиш, рағбатлантириш, ходимларни ўқитиш каби муҳим масалаларни йўналиш менежерлари билан биргаликда тегишли қарорларни қабул қиладилар.

Диссертациянинг ««O‘zto‘qimachilik sanoat» уюшмаси корхоналарида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишнинг бошқарув ҳолатини таҳлили» деб номланувчи иккинчи бобида тўқимачилик саноатига иқтисодчи кадрлар тайёрлаш ва ишга жойлаштириш ҳолати, тўқимачилик корхоналари бошқарувида иқтисодчи кадрларнинг ўрни ва таъсирининг таҳлили, тўқимачилик ишлаб чиқариш учун иқтисодчи кадрлар салоҳиятини

<sup>6</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини таҳлили келтириб ўтилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар муваффақияти, юрт тараққиёти юқори билим ва малакага эга мутахассислар етиштирилишига боғлиқ. Аҳолининг йил сайин иқтисодий билимларни эгаллашга эҳтиёжлари табиий равишда ортиб бормоқда. Бунда иқтисодчи кадрларни тайёрлаш жараёни нафақат давлатнинг таълим ва бандлик сиёсатини шакллантирувчи институтлар, балки иқтисодчи кадрларни тайёрловчи таълим муассасалари, яъни, ихтисослаштирилган университетлар, институтлар, ўрта махсус касб-хунар таълим муассасаси, малака ошириш ва қайта тайёрлаш муассасалари, шу билан бирга, бошланғич иқтисодий тушунчаларни шакллантиришга хизмат қилувчи умумий ўрта таълим муассасаларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Масалан, 2010/2011 ўқув йилида республикада 65 та олий таълим муассасаси фаолият кўрсатган бўлса, 2020/2021 ўқув йилига бориб бу кўрсаткич 117 тага етган ёки 1,8 бараварга ортган. Бу даврда иқтисодиёт йўналиши бўйича кадр тайёрловчи олий таълим муассасалар сони эса 8 бараварга кўпайган.

1-жадвал

### **Иқтисодчи кадрларга бўлган талабнинг истиқболли давр учун прогноз кўрсаткичлари<sup>7</sup>**

Йиллар	Саноат тармоғи маҳсулотлари, 2020 йилги нархларда, млрд.сўм	Асосий капиталга киритилган инвестициялар, 2020 йилги нархларда, млрд.сўм	Аҳоли сони, минг киши (йил охирига)	Бандлар сони, минг киши (йил охирига)	Битирувчилар сони (иқтисодчилар)
2022	218474,1	104070,1	35644,46	15739,37	6876
2023	225714,4	107995	36108,56	16000,83	6896
2024	232954,7	111919,9	36572,66	16262,29	6915
2025	240195	115844,8	37036,75	16523,75	6934
2026	247435,3	119769,7	37500,85	16785,21	6953
2027	254675,6	123694,6	37964,95	17046,67	6972
2028	261915,9	127619,5	38429,05	17308,13	6992
2029	269156,2	131544,4	38893,15	17569,59	7011
2030	276396,6	135469,3	39357,25	17831,05	7030

Иқтисодчи кадрларга бўлган талаб миқдори яқин ўн йилликда барқарор юқори ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2030 йилда эса, иқтисодчи кадрларга бўлган талаб миқдори 7030 тани ташкил этган (1-жадвал).

Шу ўринда, иқтисодчи кадрларга бўлган талаб миқдорини аниқлашга бўлган бошқа ёндашувни кўриб чиқилган. Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида 1998 йилдан 2020 йилга қадар иқтисодиёт йўналишлари бўйича

<sup>7</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ўртача битирувчилар сони аниқланган. Муаллифнинг ҳисоб – китоблари бўйича бу рақам 6550 тани ташкил этган. Шундан сўнг 6550 нафарни 1998 йилдаги битирувчилар сонига бўлиб, ўртача ўсиш суръатини аниқлаган.

Яъни,  $6550/5343 = 1,225928573$ . Бу рақамни кузатувлар сони, яъни 22 га бўлиб, ўртача ўсиш суръатини аниқлаган. Яъни,  $1,225928573/22 = 0,0557$  баробар ёки 5,57 фоизни ташкил этган. Уни коэффицентга айлантириб, 1,0557 ни ташкил этган.

Бу рақамлар билан қуйидаги  $Y_{\text{прогноз}} = 6600 \times (1,0557)^t$  формула асосида 2023, 2026 ва 2030 йиллар учун иқтисодчи кадрларга бўлган талабни прогноз қилган (2-жадвал).

2-жадвал

**Иқтисодчи кадрларга бўлган истиқболдаги талабни аниқлашга бўлган математик ёндашув<sup>8</sup>**

Йиллар	Прогноз оралиғидаги йиллар (t)	$Y_{\text{прогноз}} = 6600 \times (1,0557)^t$	$Y_{\text{прогноз}}$
2023 йил	2	$6600 \times (1,0557)^2$	7356
2026 йил	5	$6600 \times (1,0557)^5$	8654
2030 йил	9	$6600 \times (1,0557)^9$	10750

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, иқтисодчи кадрларга бўлган истиқболдаги талабни аниқлашга бўлган математик ёндашув бўйича иқтисодчи кадрларга бўлган талаб 2023 йилда 7356 та, 2026 йилда 8654 та ва 2030 йилда 10750 тани ташкил қилган.

Иқтисодчи кадрларга бўлган талаб миқдорини 2030 йилгача бўлган даврда прогноз қилинган. Шу маълумотлар асосида иқтисодиёт таълим йўналишлари битирувчиларининг ишга жойлашиш салмоғини ҳам 2030 йилга қадар прогноз қилган (3-жадвал).

3-жадвал

**Иқтисодчи кадрларнинг ишга жойлашиш салмоғининг прогноз кўрсаткичлари<sup>9</sup>**

Йиллар	Битирувчилар сони (иқтисодчилар), киши	Ишга жойлашганлар сони, киши	Салмоғи, %
			$= \frac{\text{Ишга жойлашганлар сони}}{\text{Битирувчилар сони}} \times 100\%$
2022	6876	5705	83
2023	6896	5770	84
2024	6915	5835	84
2025	6934	5899	85
2026	6953	5964	86
2027	6972	6029	86
2028	6992	6093	87
2029	7011	6158	88
2030	7030	6222	89

<sup>8</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

<sup>9</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, иқтисодиёт таълим йўналишлари битирувчилари сони, ишга жойлашганлар сони ва иқтисодчи кадрларнинг ишга жойлашиш салмоғ кўрсаткичлари ҳам ўсиб борган. Хусусан, муаллифнинг ҳисоб-китоблари бўйича, 2022 йилда иқтисодчи кадрларнинг ишга жойлашиш салмоғ кўрсаткичи 83 фоизни, 2025 йилда 85 фоиз ва 2030 йилда 89 фоизни ташкил этган.

Тўқимачилик корхоналари бошқарувида иқтисодчи кадрлар билан етарли даражада таъминлаш, улардан оқилона фойдаланиш ва самарали бошқариш меҳнат унумдорлигининг юқори даражаси ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга хизмат қилади. Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ташкилотларида кадрлар ресурсларидан самарали фойдаланиш мақсадида ҳар йили ишлаб чиқариш тузилмалари ривожланишининг прогноз ҳисоб-китоблари, юқори, ўрта маълумотли мутахассисларга эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда, кадрлар таҳлили ўтказилган. Ихтисослаштирилган таълим ва уни қондириш манбалари аниқланган. Ишга қабул қилиш ташқи манбалар ҳисобидан олий ўқув юртлари билан шартномалар тузиш орқали, шунингдек, ташкилотдаги ички ресурслар ҳисобидан амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, тармоқда 2021-2030 йиллар давомида таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш бўйича буюртма ишлаб чиқилган. Ташкилотларда мутахассислар эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, ташкилотлар ва таълим муассасалари ўртасида мутахассисларни тайёрлаш учун тузилган қабулни шакллантириш шартномалар асосида амалга оширилади.

2030 йилгача бўлган кадрлар сиёсатининг асосий йўналишлари:

кадрлар сони ва уларнинг касбий ҳамда малакасини оптималлаштириш; тўқимачилик, тикув-трикотаж саноати ходимларининг рақобатбардошлигини ошириш ва меҳнат фаолиятининг янги таркибини шакллантириш;

меҳнат шароитларини яхшилаш;

кадрларни “ёшартириш”;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш;

энг талаб қилинадиган мутахассисликлар бўйича йўналишларни кенгайтириш;

тармоқни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, ўқув дастурларини қайта кўриб чиқиш;

республика мутахассислари (шу жумладан, давлат таълим муассасалари, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари) учун тўқимачилик саноати ривожланган хорижий мамлакатларда мутахассислар тайёрлашни ташкил этиш;

ўқув жараёнига хорижий таълим муассасаларининг ўқитувчиларини жалб қилишдир.

Иқтисодчи кадрларни тайёрлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари 2-расмда кўрсатилган ҳолатга эга бўлади.





**2-расм. Иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари таркиби<sup>10</sup>**

Муаллифнинг фикрича, иқтисодчи кадрларни тайёрлашни ташкилий-иқтисодий механизмлари – иқтисодчи кадрларни тайёрлашга қаратилган


<sup>10</sup> Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

ташкилий-иқтисодий қонун-қоидаларнинг ташкил этилиши ва бир меъёردа ишлаши учун ташкилий-иқтисодий усуллар, воситалар, дастаклар, шакллар ва услубларнинг мажмуасидир.

«Ташкилий-иқтисодий механизм» атамаси кенг тарқалганлигига қарамасдан аниқ бир расмий таърифга эга эмас. Тўқимачилик саноатида иқтисодчи кадрлар салоҳиятидан фойдаланишни бошқаришнинг шартлари сифатида уларнинг ечими иқтисодчи кадрларни тайёрловчи олий таълим тизимининг ривожланиши билан асосланадиган мақсад ва вазифаларни ўз ичига олади. Шунингдек, улардан келиб чиқадиган, таълимни модернизация қилиш доирасида ҳал этилиши лозим бўлган янада муайян вазифалар иштирок этиши мумкин.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон тўқимачилик саноатида 2 мингдан зиёд корхона фаолият юритиб келмоқда ва уларда 365 минг нафар аҳоли иш билан банд бўлмоқда. Соҳанинг экспорт салоҳияти эса, кейинги 3 йилда 2 бараварга ошди. Ўтган 2020 йилда эса, бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларни ташкил этган эди. Юртимизда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаш, экспортни 15 миллиард долларга етказиш ва 3 миллиондан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш мумкин.

